O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 3 ОКТЯБР сешанба
№ 40 (244)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

*Ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади.*

**Ислом КАРИМОВ**

*1 октябр куни мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.*











**Бугун Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги Академик лицейда 600 нафар йигит-қизлар таҳсил олишмоқда. Уларга 45 нафар ўқитувчи (шунинг 27 нафари фан доктори ва номзодлари) сабоқ беришмоқда.**

**Суратларда: Академик лицей ҳаётидан лавҳалар**




**Урганчда "Asia te[tile LTD" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.**

* * *

Тошкентдаги "Ўзйўлмашсервис" заводининг кўргазмалар майдонида йўл қурилишида ишлатиладиган техника воситаларининг халқаро кўргазмаси очилди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ К.Н.Тўлаганов Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

* * *

**26 сентябр куни Тошкентда II чақириқ Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Р.М. Шоабдураҳмонов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинланди.

* * *

**Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Япония марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида навбатдаги грант-шартномалар имзоланди.**

*Огоҳликка даъват*

## ИНСОНИЯТ КУРАШГА ОТЛАНДИ

Терроризм. Шу кунларда бу сўзни ҳар куни эшитмаётган, унинг нечоғлик ёвуз,жирканч куч эканини ҳис қилмаётган киши топилмаса керак. Илгари у маълум ҳудуд, давлатда кузатилган бўлса, кейинги воқеалар унинг бутун фаолияти одамзодга қарши қаратилганлигини ойдинлаштирди. Чунки илм-фан, маънавият асрлар давомида ривожланиб келади. Терроризм эса қисқа вақтда бундай қадриятларни кул қилади, йўқотади. Шу боис ҳам терроризмни нафақат айрим мамлакатлар ёхуд одамларга қарши, балки тарихий тараққиётга қарши, деб баҳолаш зарур. Зеро, тарих тараққиёти маънавий қадриятларнинг уйғунлиги ҳамда шу омиллар асосида ривожланишдан иборатдир. Бугун террорчиларнинг инсониятни доим қўрқувда ушлаб туришни ва шу орқали унинг маънавиятига, руҳиятига зарба беришни кўзлаётгани аён бўлди. Яъни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, терроризм башариятга қарши ялпи уруш эълон қилди. XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният онгини бугун уруш бошланади, эртага бошланади, дея қўрқув ва ҳадик эгаллаб турган бўлса, дунёда иқлим ўзгариб, "совуқ уруш"нинг музлари эрий бошлагач, унинг ўрнини яна бир офат эгаллай бошлади.

Хўш, уларнинг фарқи нимада?

Улар ўртасидаги энг асосий тафовут ҳудуд, давлат танлашдадир. "Совуқ уруш" қутблар кураши сифатида кечганлиги барчага аён.Унинг ўриндоши бўлган террор эса ундан ўн чандон даҳшатли: у на миллат, на дин на чегара, на ирқ танлайди. У ҳаммани ҳар дақиқада таъқиб қилаверади. Кўча-кўйда ҳам, транспортда ҳам, ишда ҳам, ҳатто ўз уйида ҳам бемалол яйраб ўтиришга имкон бермайди.

Илгари ҳам АҚШ унинг ҳамласига учраган эди. Афсуски, кўпчилик мудрашда давом этди. Нью—Йорк ва Вашингтон воқеалари курраи замин аҳлининг кўзини мошдек очди.

Бугун ҳамма шу масала устида бош қотиряпти. АҚШнинг фахрига айланган, бизга кинолар орқали яхши маълум бўлган Федерал қидирув бюроси (FBI), Марказий разведка Бошқармаси каби махсус хизамтларга эга бўлган мамлакатлар фуқаролари "мен яшаётган давлат у даражада бехавотир давлат эмас экан", деяётган экан, бошқа давлатлар тўғрисида гапиришнинг ўзи ортиқча. Демакки, ҳеч ким, ҳеч бир давлат бу балодан муҳофазалангани кафолатланмаган. Бу эса хавфга қарши яккама-якка ҳолда курашиб бўлмаслигини кўрсатади. Умуман олганда, терроризмга қарши дунё миқёсида изчил кураш олиб бориладиган фурсат аллақачон етиб келган эди. Бу ҳақда бундан бир неча йил илгари Ўзбекистон дунё ҳамжамиятини огоҳликка чорлаган эди. Президентмиз Ислом Каримов халқаро миқёсда терроризмга қарши ташкилот тузиш таклифи билан чиққан эди. Лекин бу таклиф ўз вақтида инобатга олинмади. Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида бўлиб ўтган улкан фожиа бу масалани тезда ҳал қилишни талаб қилади ва бундай ташкилот бутун дунё бўйича иш олиб бориши лозимлигини долзарб масалага айлантирди.

Таассуфки, инсоният аввал-охир пешонаси деворга урилгандан сўнггина зарур хулосаларни чиқарган. Лекин ҳечдан кўра кечроқ бўлса-да, қилинган ҳаракат ўз самарасини бермасдан қолмайди. Шу боис бугун ҳар ким терроризмга қарши кураш йўлларини излаяпти.

Бизнингча, ишни онгсиз, хўжайин буйруғини кўркўрона амалга оширдиган мутассиб ёхуд пул дардида ҳар не ишга тайёр манқурт ижрочилар ортида турган қора кучларни фош этишдан бошлаган маъқул. Ҳарқалай, терроризм моддий таъминотига пешона тери билан топилган пуллар сарфланмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Фақат ноқонуний йўллар: контрабанда, наркотик моддалар савдоси орқали келган, қон иси анқиб турган, неча-неча инсонлар соғлиги ва умрига зомин бўлган маблағларгина айнан терроризмни қўллаб-қувватлашга сарф бўлади. Бир жиноят бошқасини етаклаб келаверади. Шу боис терроризмга қарши кураш ҳарбий куч ишлатиш билан бирга унинг моддйи таъминот манбаларини кесиш ва ҳомийлар, буюртмачиларни излаб топиш орқали амалга оширилиши лозим. Зеро, шу йўл билангина одамзодни таъқиб этаётган доимий хавфдан халос қилиш мумкин.

**Мадамин САФАРОВ, журналист**

## «ИНСОН ва ҚОНУН»га...

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2001 йил 4 сентябр сонида чоп этилган «Газетхон нега ранжимоқда» сарлавҳали мақола «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти мутасадди ходимлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди. Жорий йилнинг август ойи охирида Тошкентга учаётган «ЯК-40» ва «АН-24» русумли самолётлар ўрнига кунига бир марта «ТУ-154» русумди самолёт орқали рўзномалар Тошкентдан Термизга келтирилган. Бу ҳол газеталарни туманларга ўз вақтида етиб бормаслигига сабаб бўлган.

Жумладан, 22 август куни соат 16.30 да ва 25 август куни соат 19.00 да самолёт Термизга учиб келганлиги учун ўша кунларда рўзномаларни Бойсун туманига етказилишида обуначиларнинг ҳақли эътирози келиб чиққан.

Ҳозирги пайтда самлолётлар учиш вақтида бир маромга келганлиги туфайли рўзномалар обуначаларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Вақтли матбуот нашрларини обуначиларга кечиктирмай етказилишини таъминлаш борасида мутасадди раҳбар ходимларга тегишли кўрсатмалар берилиб, ижроси қаттиқ назоратга олинди.

**А.ТЎРАҚУЛОВ, «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти директори**

### ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР

## «АВВАЛ УЙИНГНИ СУВ БОССИН, КЕЙИН...»

Ҳурматли таҳририят!

Мен Узун туманининг Алиев жамоа хўжалиги Охунбобоев қишлоғида яшайман. Ҳозирги истиқомат қилаётган жойимиз сой бўйида жойлашган. Шунинг учун яшаш анча ноқулай, нега деганда сел келиши натижасида томорқа-ку, қўяверинг, ҳатто уйимизгача сув тошади. Шу боис бу ерда яшаш хавфли бўлиб қолди. Бу тўғрида жамоа хўжалиги бошқаруви раисига, туман ҳокимига бир неча марта (оғзаки ва ёзма равишда) мурожаат қилганман. Хатларимга асосан туман комиссияси яшаш жойимизни ўрганиб чиқди. Комиссия аъзолари «Бу жойда яшаш мумкин эмас, Б.Ашуровлар оиласининг бошқа жойга кўчириш керак», деган хулосага келишди. Ушбу хулоса туман ҳокимининг биринчи муовини Ж.Тўрахонов имзоси билан (2000 йил 25 январ, 0123/25 рақамли хат) Алиев жамоа хўжалиги раиси Ж.Очилдиевга юборилди. Афсуски, Ж.Очилдиев бу хатга парво ҳам қилмади. У ишдан кетди. Янги раис Э.Сафаровга ҳам бу тўғрида бир неча марта мурожаат қилдим. У менга: «Ука, жонга тегдинг, олдин уйингни сув боссин, кейин келмайсанми? Ўша куниёқ сени жой билан таъминлайман», дейишдан нари ўтмайди. Бу орада зах уйда касалликка чалинган оилам ҳаётдан кўз юмди. Тўрт нафар фарзандим билан қолдим. Раисга мурожаат этсак, ҳар гал аввал уйингни сув боссин, кейин ер бераман, деган гапини такрорлайди.

Менга ёрдам беринглар.

**Бахтиёр АШУРОВ, Сурхондарё вилояти**

*Конституция ва биз*

## ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК

*Ўн олтинчи сабоқ*

**Давлатнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини белгилашда унинг вазифаларига, функцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Давлатнинг қандай вазфаларни, функцияларни амалга оширишига қараб ёки бошқача сўз билан айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб борса, ундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Навбатдаги сабоғимиз бевосита шу мавзуга бағишланади. Уни ҳуқуқшунос Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ шарҳлайди.**

Конституциямизнинг 14-моддаси давлатимиз фаолиятининг асосий принципларини белгилаб беради. Бу жуда муҳимдир. Унда белгилаб берилган меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлигини яққол кўрсатиб турибди, десак янглишмаймиз. Чунки мазкур модда алоҳида равишда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади.

Зеро, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнан шахс манфаатларига мос тушади.

Конституциянинг ушбу моддасининг кафолатлари мамлакатимизда айни вақтда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, ислоҳотлар билан белгиланади. Бундай ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлиги эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. «Мақсадимиз аниқ, — деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов, — бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, эркин, очиқ, демократик давлат қуриш». Давлатимиз раҳбарининг қатор асарлари ва китобларида Ўзбекситоннинг ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган вазифалари ва фаолият дастурини аниқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистондаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар, ислоҳотлар фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилмоқда.

> **Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.**
>
> **14-модда.**

Бунда давлат бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбарининг асарларида ҳам инсон учун муносиб турмуш ва иш шароитларини яратиш барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсади эканлиги алоҳида уқтирилади. Шу сабабли Ўзбекистон давлати ишга лаёқатсиз кишиларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, қаровсиз қолган гўдакларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Конституциянинг 14-моддасида назарда тутилган меъёрнинг яна бир муҳим томони шундаки, унга кўра давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Бу ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир.

Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий актларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳамманинг қонун олдида тенглигини ўрнатади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик актлар тизимида олий кучга эгалигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини англатади. Шу билан бирга бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари оғишмай таъминланишини, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир ўзбошимчалигига йўл қўйилмаслигини, фуқароларнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятлари қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда тутади. Бир сўз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади. Худди шу ўринда қонунийлик принципининг таъминланишида давлатнинг вазифаси нимадан иборат, деган табиий савол туғилади. Бунда давлатнинг асосий вазифаси қонунлар ва ҳуқуқий актларни тайёрлашни ташкил қилиш, қонунларни жамият тараққиёти даражасига мослаштириб бориш ва ниҳоят, юқорида тилга олинган асосий принципларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб беришдан иборатдир.



## ҚОНУН ҳамиша ўз сўзини айтади

## *унга бўйин эгмаганнинг ҳолига вой!*

Мамлакатимизда ҳар бир қарич ер ҳисобли. Уни ўзбошимчалик билан қонунсиз эгаллаб олишга йўл қўйилмайди. Ер қонунчилигининг ҳар қандай бузилишига нисбатан чора кўрилади, жазо қўлланилади.

Абдувафо Самадов Л.Ўроқов номидаги ширкат хўжалигидан ер олиб, «Беҳруҳ» деҳқон хўжалиги ташкил этган. Туман ҳокимининг 1999 йил 12 апрелдаги 425-рақамли қарори билан деҳқон хўжалиги қайта рўйхатга олиниб, фермер хўжалигига айлантирилган. 18,5 гектар ер майдони белгиланган тартибда хўжалик ҳисобидан чиқарилиб, фермер хўжалигига ўтказилган.

Фермер хўжалиги ўтган вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келган. Бу фикрнинг исботи тариқасида унинг давлат идораларига топширган ҳисоботларини келтириб ўтиш мумкин. Фермерлик ҳаракатига жойларда ҳар хил тўсиқ ва тўғаноқ қўйилаётгани ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин А.Самадов раҳбар бўлган «Беҳруҳ» фермер хўжалигининг ташвишлари бунга ўхшамайди. Аниқ айтганда, фермери хўжалигига тегишли бўлган экин майдонининг 9 гектарини ширкат хўжалигида яшовчи 17 нафар фуқаро ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишган. Аввалига Абдувафо қишлоқдошларини инсофга чақирган. Бироқ улардан бирон бир натижа чиқмагач, Иштихон тумани прокуратурасига мурожаат қилган. Туман прокурорининг шу йил 29 апрелдаги қарорига биноан ерни ўзбошимчалик билан талон-тарож қилган кимсаларга нисбатан амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 65-моддаси 1-қисми билан маъмурий иш қўзғатилган. Тегишли чора кўришлик учун иш туман ер ресурслари хизмати бўлимига юборилган. Тадбиркор ерига ноқонуний эгалик қилмоқчи бўлган 17 кишининг ҳар бири 4 минг 900 сўмдан маъмурий жаримага тортилган.

Шундан сўнг адолат тикланиб, фермер ўз ерига ўзи эгалик қиладиган бўлибди-ку, деб ўйларсиз. Қани эди шундай бўлса. Тўғри, маъмурий жавобгарликка тортилгач, уларнинг аксарияти оқилона хулоса чиқариб олишди. Аммо Боли Қаршиев, Қамариддин Сайфуллаев, Пардабой Тиловов, Сайдулла Арзиевлар қонунни ҳам писанд этмай, ўз билганларидан қолмаган, фермернинг ерини қайтариб бермаган. Шундан сўнг фермер хўжалиги раиси А.Самадов вилоят адлия бошқармасига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Биз ўз нафсига эрк бериб, тадбиркорнинг йўлига тўғаноқ бўлаётган тўрт нафар фуқарога қонун талабларини тушунтирдик. Экин майдонини ўз ихтиёрлари билан ҳақиқий эгасига қайтаришни таклиф этдик. Халқимиз гапни гапир уққанга, деб бежиз айтмаган. Вилоят адлия бошқармасининг таклифи уларга маъқул тушмади. Аниқроқ айтганда, улар қонунни тушунишни исташмади. Бошқарма Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорининг 7-бандига ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга асосланиб фуқаролар Б.Қаршиев, Қ.Сайфуллаев, П.Тиловов, С.Арзиевлар муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишларига қарамасдан фермер хўжалигига тегишли ернинг бир қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб келганликлари сабабли жиноят иши қўзғатишлик учун тўпланган материалларни вилоят прокуратурасига юборди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз ер билан боғлиқ камчиликларни айниқса, талон-тарож қилиниш ҳоллари мавжудлигини кескин танқид қилди. Юқоридаги ҳолат ҳам бунга далил. Энди ўзбошимчалик билан ерга эгалик қилмоқчи бўлган Б.Қаршиев, Қ.Сайфуллаев, П.Тиловов, С.Арзиевлар қонунни тушунишни истамасдан чучварани хом санаганликларини англаб етишлари тайин. Чунки қонун ҳамиша ўзининг қатъий сўзини айтади.

**Бекбўта БОБОЖОНОВ, Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси**

*Пудратчига ҳамкор бўлайлик*

# ШАРТНОМА — ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ!

Юртбошимиз Ислом Каримов 2001 йил 16 феврал куни Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисида қилган маърузасида "хўжалик шартномалари номигагина тузилаётганлиги, уларда томонлар мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ кўрсатилмаганлиги, томонлар ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари туфайли фермер ва ижарачилар зарарига шартнома тузилаётганлигини, айниқса, бу қишлоқ жойларда энг заиф бўғин бўлиб қолаётганлигини" баён қилган эди. Ана шу маърузадан сўнг, адлия бошқармаси ходимлари жойларда, яъни қишлоқ хўжалик корхоналарида тузилган шартномалар қонунийлиги ва ижросини ўрганиб чиқди. Натижада, бу борада кўплаб камчиликлар жойларда мавжудиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299 сонли қарорига қилинган иловада "Хўжалик билан оила пудрати ўртасида тузиладиган ички хўжалик шартномаси"нинг намунавий шакли келтирилган. Ҳар бир хўжалик шу намунавий ички хўжалик шартномаси асосида хўжаликка мос қилиб ички хўжалик шартномаси тузиши ва унинг ижросини таъминлашлари шартдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 248 сонли қарорига асосан хўжалик давлат буюртмасини бажармаса-да, пахта хомашёси етиштириш бўйича шартномаларни бажарган оила пудратларига қайта ишлашдан олинган қўшимча маҳсулотлардан (ўсимлик ёғи, шелуха, шрот ва линт) белгиланган миқдорда берилиши шартномаларда кўрсатилиб, уларнинг ижросини таъминлаш хўжаликка юкланган.

Аммо хўжаликлар ўзига юкланган мажбуриятларни бажармасдан, оила пудратлари билан тузилган ички хўжалик шартномаларнинг номигагина тузилишига йўл қўйган. Натижада оила пудрати шартномани бажарса-да, хўжалик томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаслигига ишонч ҳосил қилиш, шартнома шартларини бажаришда ҳеч қандай манфаатдорлик йўқлиги ҳисси пайдо бўлмоқда.

Ушбу фикрни сўзларни мисоллар билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Мирзаобод туманидаги "Мирзачўл" ширкат хўжалиги ва С.Абилов, Р.Холмуродов, Г.Бобонов, М.Шайзоқов, А.Каттабеков, К.Тангирбердиев, К.Зокиров, Х.Арзиқулов ва Х.Пирназарова бошлиқ оила пудратлари ўртасида 1999 йил пахта хомашёси етиштириш бўйича ички хўжалик шартномалари тузилган. Хўжалик бошқаруви юқорида кўрсатилган қарорлар асосида тузилган шартномаларга тегишли ўзгартиришлар киритмаган. Хўжалик 1999 йилда давлат буюртмасини бажармаган, аммо юқорида номлари баён этилган оила пудратлари шартнома шартларини бажарган. Аммо хўжалик томонидан берилиши лозим бўлган маҳсулотлардан бирон килограмм ҳам оила пудратларига берилмаган.

Оила пудрат бошлиқларини вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаатларидан сўнг уларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, фуқаролик судига даъво аризалари киритилди. Фуқаролик судининг ҳал қилув қарорлари билан оила пудратларига 2.068.656 сўм берилмаган маҳсулотлар қиймати ундирилди.

Меҳнатобод туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги томонидан ҳам шартнома шартларини бажарган оила пудратларига белгиланган миқдорда қўшимча маҳсулотлар берилмаган. Вилоят адлия бошқармасининг оила пудратлари манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризаларидан сўнг фуқаролик судининг ҳал қилув қарорлари асосида 11 та оила пудрати бошлиқларига 5.169.091 сўм берилмаган маҳсулотлар қиймати ундириб берилди. Биз фақат икки ҳолат бўйича оила пудратчилари билан хўжалик ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилмаганлиги тўғрисида тўхталдик.

Шунингдек, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари томонидан фермер хўжаликларига топширилган маҳсулотлар қийматини ойлаб тўланмасдан келиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Ҳолбуки тузилган шартнома шартларида тайёрловчи топширилган маҳсулотларга 7 банк кунида ҳисоб-китоб қилиш кўрсатилган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Гулистон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Гулистон туманидаги фермер хўжалигига тегишли бўлган 690.000 сўм пулни 7 ойдан сўнг фермер хўжалиги ҳисобига ўтказган, бу ҳолат бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб фуқаролик судига даъво ариза киритилди, суднинг қарори билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганлиги учун ҳиссадорлик жамиятидан фермер хўжалиги фойдасига 345.000 сўм жарима ундиришга эришилди.

Шартнома — томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонуний ҳужжат ҳисобланганлиги туфайли, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари томонидан бу қонуний ҳужжатга кундалик иш дастури сифатида муносабатда бўлишлари фақат фойда эканлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки шартнома шартлари бажарилган тақдирдагина, томонлар кўзланган мақсадга эришади. Зеро, Шартнома ижроси билан кучли, акс ҳолда жавобгарлик муқаррардир.

**А.ҚЎЗИЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи**



Ўзбекистон дея аталур...

# ҚАНОТИ ҚАЙРИЛМАГАН МУЛКДОР

*орадан қарийб 4 йил ўтса-да, барибир адолат қарор топди*

Бундан қарийб 5 йилга муқаддам, яъни 1996 йил 30 ноябр куни Шаҳрихон шаҳар солиқ инспекциясининг ишчи гуруҳи "Самои нур ЛТД" фирмасини текшириш чоғида фирма омборидан шифер ортиб чиқаётган тракторни тўхтатишган. Юк эгаси Зокиржон Исоқов 125 дона шифернинг ҳар бир донасини 155 сўм (ўша пайтдаги нархда) жами 19 минг 375 сўмга сотиб олганлиги, пулни омборчи К.Маматисоқовга берганлигини айтган. Аммо текшириш пайтида бу пул кассага ҳали кирим қилинмаганлиги аниқланган.

Бор-йўқ гап шундан иборат. Аммо қарийб 5 йилга чўзилган оворагарчилик ана шу воқеадан сўнг бошланди.

Ўшанда шаҳар давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи А.Орипов омборчи К.Маматисоқов ва фирма раҳбари А.Содиқовни маъмурий жавобгарликка тортади. Уларнинг бирига 2400 сўм, иккинчисига 3000 сўм маъмурий жарима солинди. Бу жарималар улар томонидан ўз вақтида тўланган. Лекин бу билан тадбиркорнинг мушкули осон бўлмади. Прокурор кутилмаганда уларга нисбатан жиноий иш қўзғатади. Олти ой давом этган суриштирув, чақирувлардан сўнг тадбиркорнинг ҳаракатларида жиноят аломати йўқлиги учун иш ҳаракатдан тўхтатилади.

Лекин 1997 йил 24 июн куни фирма раҳбари Авазбек Содиқовга нисбатан Шаҳрихон шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси Х.Муҳаммаджонов томонидан яна жиноий иш қўзғатилади. У Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми ва 205-моддаси 2-қисми "В" банди билан жавобгарликка тортилади. Тўғри, тадбиркордан тилхат олиниб, очиқда қолдириш эҳтиёт чораси қўлланилади. Ҳаммасидан ошиб тушгани ўша кунги қарор билан унинг мол-мулки ҳам хатланади. Шундан сўнг тадбиркор ҳамма ишини ташлаб, судма-суд югуришга тушади.

Аммо буларнинг бари бефойда кетади. Чунки тадбиркор Шаҳрихон туман судининг 1997 йил 9 сентябр куни чиқарган ҳукми билан айбдор деб топилади, унинг мол-мулки мусодара қилинади ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Кейин бу жазо 3 йил синов муддатига алмаштирилади. Бу орада эса Андижон вилоят суди ушбу ҳукмни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун Шаҳрихон шаҳар судига юборади.

Шундан сўнг А.Содиқовнинг хира тортган кўнглида қайта умид уйғонади, адолатнинг қарор топишига бўлган ишончи ортади. Аммо ҳаммаси у кутгандан бошқача бўлиб чиқади. Шаҳрихон шаҳар судининг 1998 йил 20 январ кунги ҳукми билан Авазбек Содиқовни юқорида қайд этилган моддалар билан айбли деб топиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Суд залининг ўзидан қамоққа олинади. Ростини айтганда, ишнинг бундай тескари кетиши, бош-адоғи кўринмайдиган овора-саргардонликларни унча-бунча одамнинг иродаси кўтара олмайди.

**Аммо тадбиркор А.Содиқов ҳақиқатга, ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишониб, курашишдан тўхтамади. Ниҳоят, унинг аризасига кўра, иш вилоят судининг иккинчи босқичида 1998 йил 12 феврал куни кўриб чиқилиб, республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил 2 декабрдаги** "Амнистия тўғрисида"**ги Фармонига кўра жазони ўташдан озод этилади, қамоқдан очиққа чиқарилади.**

Республика Олий судида Авазбек Содиқовнинг шикоят аризаси кассация тартибида кўрилиб, унинг ажрими билан ҳукм ва вилоят судининг ажрими бекор қилиниб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун қайтарилади. 2000 йил 24 ноябр куни Марҳамат туман судининг Авазбек Содиқовга нисбатан айби йўқлиги учун оқлов ҳукми чиқарилади. 2000 йил 21 декабр кун вилоят судининг ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилди. Бу ҳукм ўша кундан бошлаб қонуний кучга кирди.

Оқлов...

Тадбиркор Авазбек Содиқовнинг кўнгли тўлиб, кўзида ёш айланади. Кўз олдидан шу кунга етиб келганга қадар бошидан кечирган азоб-уқубат, сарсон-саргардончиликлар бир-бир ўтди. Тўрт йилга яқин тергов ва суд жараёнларида асоссиз сарсон бўлди. Оиласи, ўзи ва фарзандларининг руҳий азоби, чеккан маънавий азиятлари...

Ана шундай моддий ва маънавий зарарларни ҳисобга олиб, Андижон вилоят адлия бошқармаси тадбиркор Авазбек Содиқов манфаатини кўзлаб, даъво ариза билан судга мурожаат этди. Андижон туманлараро суди ишни кўриб чиқиб, тадбиркорга етказилган моддий зарар 3 миллион 620 минг сўмлик, маънавий зарар эса 2 миллион сўм миқдорида деб топди. Ва тадбиркор Авазбек Содиқов фойдасига жавобгар Андижон вилоят молия бошқармасидан етказилган моддий ва маънавий зарарлар учун жами 5 миллион 620 минг сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳақиқат қарор топди. Бир тадбиркор йўлидаги ғовлар, тўсиқлар олиб ташланди. Бугун тадбиркор ўз фаолиятини қайта йўлга қўйиш ниятида.

Аммо унинг бошидан кечирганлари ҳар биримизни ўйга солмайдими?!

Ахир, у ўтган тўрт йил давомида тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлганда, ўзига, оиласига, қолаверса, эл-юртга қанча фойдаси тегарди?! Бу воқеа тадбиркорлик субъектларига масъул ҳар бир мутасадди идора, шахсларга сабоқ бўлиши керак.

Зеро, бугун тадбиркорлик фаолиятига иқтисодиётимиз таянчи деб қаралаётган экан, унинг ривожи учун кўмак бериш ҳар биримизга ҳам қарз, ҳам фарз.

**Аъзамжон ЮСУПОВ,**
**Андижон туманлараро фуқаролик судининг судьяси,**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири**



...Уни севиб эл тилга олур.

*Ҳуқуқий маслаҳат*

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАЛАБИ НИМА?

***Газетамизнинг ўтган сонида "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишда бевосита талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳақида маълумот бергандик. Табиийки, бу кўпчилик газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг таклиф ҳамда илтимосларига биноан ушбу мавзуни давом эттираяпмиз.***

***Бу гал тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиби билан танишасиз. Уни Адлия вазирлиги халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармаси бош мутахассиси Фозил ФАРИКОВ шарҳлайди.***

Ушбу янги тартиб мазмун ва моҳиятига кўра хўжалик юритувчи субъектларни ортиқча оворагарчиликлардан холос қилади. Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 347-қарорида (2001 йил, 22 август) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларининг асосий функциялари аниқ белгилаб берилган.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

***Мазкур Низомга асосан рўйхатдан ўтказувчи органнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ёки асослари кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарори зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза олинган кундан бошлаб:***

***якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича — 3 иш кунидан кечикмай;***

***юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича — 7 иш кунидан кечикмай қабул қилинади.***

***Рўйхатдан ўтказувчи органнинг фермер ва деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарори унинг ер участкаси бериш тўғрисидаги оегишли қарори билан бир вақтда қабул қилинади.***

***Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дан норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда у (ариза берувчи) белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.***

***Юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мазкур Низомга мувофиқ юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича реестрга киритилади.***

***Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида мазкур Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги:***

***— юридик шахслар бўйича — статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига;***

***— якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича — солиқ органига ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига расман тақдим этади.***

***Мазкур низомнинг 21-бандида кўрсатилган маълумотлар олингач, икки кун муддатда:***

***— солиқ органлари — юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини, шу жумладан, бюджетдан ташқари, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади;***

***— статистика органлари — юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ва рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қилади;***

***— ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.***

***Рўйхатдан ўтказувчи орган статистика органларидан берилган кодлар тўғрисидаги ахборот, солиқ органларидан эса солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги ахборот, шунингдек, ички ишлар органларидан эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олингач, икки кун муддатда:***

***— тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга мазкур Низомга 9-иловага мувофиқ шакл бўйича "юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома" ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, "рўйхатдан ўтказилди" деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, шунингдек, эскиз билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради;***

***— якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигига — мазкур Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бўйича "Якка тартибдаги тадбиркорнинг (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома"ни, шунингдек, эскиз билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради;***

***— тегишли ҳудудий йўл жамғармасига, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) бўлимига ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъекти бўйича давлат реестридан тўлиқ кўчирмани йўллайди. Юборилган реестрдан кўчирма тадбиркорлик субъектини кўрсатиб ўтилган органларда ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади;***

***Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палаталарига, давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига ва тадбиркорлик субъектлари жойлашган жойдаги ёнғин хавфсизлиги хизматларига тегишли реестрдан кўчирмани маълумот учун юборади.***

***Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солиштиради.***

# «ҲОТАМТОЙЛИК»

## ЁКИ айрим раҳбарларнинг кўнгилчанлиги оқибатида Жарқўрғон туманида 76 гектар ер бўлиб юборилган

Ер ресурсларидан фойдаланиш ва фуқароларга уй-жой қуриш ҳамда ёрдамчи хўжалик юритиш учун ерни тақсимлаш масаласи қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Аммо Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги айрим хўжалик раҳбарлари бу ишга ноқонуний ёндашмоқдалар. Мисол учун айтадиган бўлсак, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигининг собиқ икки раиси — Ҳ.Жўраев (1999 йил) ҳамда Рамазон Расулов (2000 йил) давлат ҳисобидан «ҳотамтойлик» қилишиб, суғориладиган, унумдор 15,3 гектар ерни ортиқча участкага эҳтиёжи бўлмаган 112 нафар фуқароларга бўлиб беришган. Энг ажабланарлиси, бўлиб берилган томорқалар ҳозиргача хўжалик китобига киритилмаган. Хўжаликка янги сайланган раис Чўтпўлат Абдураимов ҳам Ҳ.Жўраев ҳамда Р.Расуловларнинг анъанасини ўзлаштирган шекилли, жорий йил ҳисобидан қарийб 70 сотих ерни ноқонуний равишда тўрт кишига томорқа сифатида бўлиб берган. Бундан ташқари, тумандаги «Оқтепа» ширкат хўжалигида (собиқ раиси Эгамберди Нормуродов) 3,55 гектар, «Оққўрғон» ширкат хўжалигида 5,06 гектар, Жарқўрғон деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида 4,80 гектардан зиёд ер мулки қонун-қоидаларга зид равишда бўлиб юборилган. Айниқса, собиқ «Ўзбекистон 2 йиллиги» хўжалигида (қандайдир сабабларга кўра айни пайтда бу хўжаликнинг фаолияти тўхтатилиб, ер ва мол-мулки «Жарқўрғонпилла» ОТХЖ ҳамда Н.Боймуродов номидаги ширкат хўжалигига бўлиб берилган) содир этилган қонунбузарликлар ҳаммасидан ошиб тушади. Хўжаликнинг собиқ раиси Тоҳир Ибодуллаев 10 гектаридан зиёд суғориладиган, унумдор ерларни юздан ошиқ фуқароларга томорқа сифатида бўлиб берган. Ажратилган томорқаларнинг 60 фоизи ерга муҳтож бўлмаган, бошқа жойларда яшовчиларга теккан. Мазкур хўжалик фаолиятининг тўхтатилиши (бўлиниб кетиши)ни олдиндан билган раҳбарлар қулай имкониятдан «унумли» фойдаланиб, ерни ўртада ўзаро хомталаш қилишган.

«Жарқўрғончорва» ҳиссадорлик жамияти собиқ раиси Ўсар Жумаев ҳам «ҳотамтой» раҳбарлар сирасига киради. У 2000 йилнинг дастлабки ойларида ноқонуний равишда 15 гектар ерни 62 хўжаликка бўлиб берган. Ҳозирда туман ҳокими қарори билан ноқонуний томорқалар қайтариб олинмоқда.

«Халқобод» ширкат хўжалиги мутасадди раҳбарларнинг «ҳотамтойлик»лари туфайли 10,60 гектар ер 26 та хўжаликка ажратилган. Бу «кўрсаткич» Норали Боймуродов номидаги ширкат хўжалигида (раиси Чори Боймуродов) 5,60 гектар ерни ташкил этади. Мазкур ширкат хўжалиги ҳудудидан 32,5 гектар ерни томорқа сифатида ажратиш учун 2000 йилнинг 18 мартида туман ҳокимининг 213-сонли қарори чиқарилган. Бироқ ушбу қарорнинг ижроси таъминланмаган. Шундан сўнг 2000 йил 12 ноябрида 12 гектар томорқа ажратиш тўғрисида ҳокимликнинг такроран 1072-сонли қарори чиқарилади. Ушбу қарорда олдинги қарор (ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш) ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ҳамид Олимжон номидаги ДФХУ собиқ раиси Мамади Ойназаров даврида йўл қўйилган ўзбошимчаликлар эса ҳаммасидан ошиб тушади. 2000 йилда мазкур хўжаликда 4 гектар боғ, 2 гектар узумзор бузиб ташланиб, томорқа сифатида бериб юборилган. Бу ерда ҳам 27 та хўжаликка тортиқ қилинган 6,5 гектар ернинг 80 фоизи лозим бўлмаган кишиларга берилган.

Санаб ўтилган хўжаликларнинг деярли барчасида 2000-2001 йиллар мобайнида «кимошди» савдоси ер мулки қўйилмаган. Ўринли бир савол туғилади: шунча қонунбузарликлар қайдан ва қандай қилиб келиб чиқди? Ва бундан кўзланган мақсад нима? Давлат ҳисобидан «ҳотамтойлик» қилаётган раислар қай бир қонун мезонларига таяниб иш кўрганлиги кишини ажаблантиради. Халқимизда «эр киши ер сотмайди» деган нақл бор. Бир ҳисобдан, раисларни томорқа сотишда айблаш ҳам ноўрин. Негаки, бизда бунга ҳеч қандай асос йўқ. Бироқ туман бўйича қарийб 76,01 гектар унумдор ернинг (470 та хўжаликка бўлиб берилган) қонунга зид раившда тарқатиб юборилиши раисларга нисбатан шубҳа туғдиради.

Туман бўйича ўтган давр мобайнида Жарқўрғон тумани ҳокимиятининг 2000 йилдаги қарорларида 128 гектар ер уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратилсин, дейилган. Ваҳоланки, томорқалар хўжалик мутасаддилари томонидан 2000 йилнинг дастлабки ойларида бўлиб юборилган.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш мажмуининг 25.12.1999 йилдаги 10-1-113-сонли йиғилиш баённомаси 1,8-бандига асосан ҳокимликлар томонидан ажратилаётган ерларнинг 50 фоизидан ортиғи «кимошди» савдоси орқали сотилиши шартлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, туманда бунга етарлича эътибор берилмаган. «Бепул тарқатилган» дея эътироф этилган томорқалар аксарият ҳолларда хўжаликлар томонидан ҳокимликка тақдим этилган рўйхатдан ташқари шахсларга улашилган. Бу ишларга қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳалла раислари мутлақо аралаштирилмаган.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла раислари иштирокида туман миқёсида томорқачиларнинг оилавий аҳволи ўрганиб чиқилганда, қарийб 20 гектардан ошиқ унумдор ерлар томорқага эҳтиёжи бўлмаган фуқароларга берилганлиги аниқланди. Энг ачинарлиси, шу давр мобайнида туман бўйича, бор-йўғи 3,10 гектар ер «кимошди» савдолари орқали сотилган. Бу рақамни «бепул» берилган томорқалар билан таққосласак, жуда ҳам кам фоизни ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ер ресурсларига совуққонлик билан ёндашиб, қонунбузарликка йўл қўйган раҳбар шахсларга нисбатан чора кўрилиши лозим. Чунки адолатли қонун мезонлари доирасида тақсимот йўлга қўйилмас экан, бу сингари «сирли савдо»лардан бир тўда кишиларгина манфаатдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

**Абдураҳмон ТУРОПОВ,**
**Жарқўрғон туман давлат мулкини бошқариш бўлими бошлиғи,**
**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ,**
**журналист**

# ЯНГИЧА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

**«Дўстлик» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Турон» фермер хўжалиги бу йилги мавсумда Ўртачирчиқ туманидаги фермер хўжаликлари орасида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш шартнома режасини бажарди. Бунинг учун унга ўн уч кун кифоя қилди. Шартнома режаси биринчи теримнинг ўзидаёқ уддаланди. Етиштирилган ҳосилнинг 102 фоизи биринчи навли пахта сифатида топширилди. Хўжаликнинг раиси Абдурашид Маҳкамов эса мустақиллик байрамининг 10 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**

Фермер хўжалигимиз жамоа шаклида бўлиб, 1998 йили бригада негизида ташкил этилган. Хўжалигимизда 55 нафар киши меҳнат қилади. Мен у ташкил этилганига қадар 3 йил мобайнида бригада бошлиғи бўлиб ишлагандим. Бригадир бўлиб ишлаган йиллари қарзга ботганимиз ботган эди. Колхозчиларга меҳнат ҳақини тўлашга қурбимиз етмасди. Деҳқонларнинг кўнгли совиб, ишга қўллари бормасди. Шундай бир шароитда ишлаб бўлмаслигини англадик ва хўжалик юритишнинг янгича усулини танладик. Хўжалик юритишнинг янги шакли бизда, аввало, ишонч туйғусини уйғотди. Меҳнатларимизнинг натижасидан баҳраманд бўла бошладик. Биринчи йилнинг ўзидаёқ меҳнатимиз натижаси аниқ кўрина бошлади, манфаатдорлигимиз ўз-ўзидан кучайди, ерга, маҳсулот етиштиришга бўлган муносабат ўзгарди. Меҳнатга бўлган ички рағбатимиз янада ошди. Одамларнинг кайфиятлари кўтарилиб кетди. Бунинг боиси мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари яратилганлигидадир.

Хўжалигимизнинг ихтиёрида жами 269 гектар ери бор. Шундан 143 гектарига пахта, 120 гектарига буғдой, 6 гектарига эса шоли экамиз. Ўз тасарруфимизда, шунингдек, 4 та "МТЗ-80," 1 та "ХА-4" русумли трактор, 1 та пахта териш машинаси (2 қаторли), 2 та ҳайдов трактори ("ДТ-75" ва "Олтой" русумли), 1 та юк машинаси, 1 та «Дамас» микроавтобуси бор.

Бу йилги мавсум, айниқса, натижали бўлди. Жумладан, хўжалигимизда 536 тонна буғдой етиштирилди. Етиштирилган ҳосилнинг 344 тоннасини давлат буюртмаси сифатида топширган бўлсак, шартнома режасидан ортган ғалла ўз ихтиёримизда қолди. Хўжалигимизнинг ҳар бир аъзосига 1,5 тоннадан (иш ҳақи тарзида) ғалла бердик. Биргина буғдойнинг ўзидан олган даромадимиз 21 млн. сўмдан ошди.

Пахта йиғим-терими натижалари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Йиллик шартнома режасини 13 иш кунида бажардик. 400 тонна ўрнига 450 тонна (112 фоиз) пахта етиштирдик. Шартнома режани биринчи теримдаёқ бажардик. Ҳосилнинг 102 фоизини биринчи навга топширдик.

Шоли етиштириш ҳам биз кутгандан кўра яхшироқ бўлди. Бу мавсумда 23 тонна шоли етиштиришни режалаштирган эдик, жами 40 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Шартнома режасидан ортиқ етиштирилган шолини (меҳнат ҳақи тарзида) хўжалигимиз аъзоларига тарқатдик.

Даромадга қараб буромад деганларидек, хўжалигимизнинг бу йилги даромади 60 млн. сўмдан ошади. Бундан, албатта, унинг ҳар бир аъзоси моддий манфаат кўради. Бошқача айтганда, кўрилган даромаднинг 35 фоизи (21-22 млн. сўм) колхозчиларга иш ҳақи тарзида берилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, хўжалигимизнинг ҳар бир аъзосига бир йилда ўртача 360 минг сўм атрофида (ойига 30 минг сўмдан) иш ҳақи бериладди.

Агротехник тадбирлар, экиш, ўриш, йиғим-терим мавсумини ўз вақтида уюшқоқлик билан ташкил этганимиз боис бу йилги натижалар биз кутгандан зиёда бўлди. Ҳосилни йиғиштириб олган бўлсакда, далада иш қизғин. Кузги буғдойни экишни эрта-индин бошлаб юборамиз.

Деҳқонларимиз фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш учун яратилаётган шароит ва ғамхўрликларга жавобан меҳнат қилишга доимо тайёр. Қолаверса, экин экиш, уни парваришлаш, йиғиштириб олишу шартнома-режадан ортиқ етиштирилган ҳосилни эркин тасарруф этиш имконияти бизларда куч-ғайрат ва ишончни янада оширмоқда.

Лекин шунинг билан бирга баъзи бир муаммолар ҳам борки, улар бизнинг фаолиятимизга таъсир этаяпти. Улардан айримларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Аввало, деҳқон (фермер)лар уюшмасининг жойлардаги вакилликлари фаолияти бизни қониқтирмайди. Ахир, биз мазкур уюшма ҳисобига ҳар бир гектар ер учун йилига 1,5 минг сўм (жами 420 минг сўм) пул ўтказамиз. Лекин афсуски, уюшманинг жойлардаги вакилларидан тегишли амалий-услубий кўмак ололганимиз йўқ.

Иккинчидан, фермер хўжаликларини минерал ўғит, ёқилғи ва уруғлик билан таъминлаш тизими биз учун мақбул эмас. Масалан, хўжаликлар учун ёқилғи лимити вилоятдан тақсимланади. Устига-устак тегишли ёқилғини олиб келиш учун вилоят марказига бўзчининг мокисидек қатнашга тўғри келади. Шунингдек, минерал ўғит билан таъминлаш ҳам шу каби. Аввало, биз учун ажратилган ўғитни (пулини ўтказган бўлсак ҳам) ҳеч қачон тўлиқ ололмаймиз (80-85 фоизини оламиз, холос). Бир марта олиб келиш мумкин бўлган минерал ўғитни олиш учун қайта-қайта қатнаймиз. Бирданига берсангиз бўлмайдими, десак: «Сиздан бошқалар ҳам бор», дея баҳона қилишади.

Сир эмаски, уруғ аввало, ширкат хўжаликларига, сўнгра фермер хўжаликларига берилади. Экин экиш имкониятимиз бўлса ҳам жамоа хўжаликлари таъминлангунга қадар кутишга тўғри келади. Масалан, бу йили хўжалигимизда 5 сентябрдан бошлаб буғдой экишимиз мумкин эди. Ҳолбуки, уруғликни 2 ҳафта кеч олдик. Табиийки, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоли масалалар йил якунлари ва келгуси йил ҳосилига ҳам сезиларли даражада таъсир қилади.

Бизнингча, қонунларимиз жуда яхши ишланган. Бироқ айрим хизмат кўрсатиш ташкилотлари баъзи ҳолларда ўз манфаатларини кўзлаб, сунъий тўсиқларни жорий этмоқдалар. Юқоридаги каби сунъий тўсиқлар олиб ташланиб оварагарчиликларнинг олди олинса, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши кафолатланган бўлур эди.

**Абдурашид МАҲКАМОВ,**
**Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги «Турон» фермер хўжалиги раиси**

*Ҳуқуқий маърифат*

# Гувоҳ ким?

Инсоният азалдан низоли ишларни гувоҳлар ёрдамида ҳал қилиб келган. Гувоҳ деб бирон ҳодиса ёки нарсани ўз кўзи билан кўриб ёки эшитиб, тасдиқлаган кишига нисбатан айтилади. Гувоҳнинг мажбуриятлари шариат қонунларида ҳам аниқ кўрсатилган. Билган-кўрган нарсаси бўйича гувоҳлик бериш пайғамбар орқали мусулмонларга буюрилган иш деб ҳисобланган ва бу ҳақда Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 140-оятида «Ўзи биладиган гувоҳликни Оллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Оллоҳ қилаётган ишларингдан ғофил эмас» дейилади. Шариатда гувоҳлик бир кишининг фойдасига, иккинчисининг зарарига ҳақ билан хабар бермоқлик, деб тушунилади. Ўн бешга тўлган, илгари судланмаган, ақли расо мўмин кишигина гувоҳлик қилиши мумкин бўлган. Бир эр кишининг гувоҳлиги икки хотин кишининг гувоҳлигига тенг ҳисобланган. Қисқача айтганда, шариатда гувоҳликка ҳар бир мўмин кишининг инсоний бурчи деб қаралган.

Мустабид шўро даврида гувоҳлик тушунчасининг вазифалари қўпол равишда бузиб талқин этилди. Шу сабабли кўпчилик гувоҳлик қилишдан безиб қолди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Шўро даврида суд ва тергов тизимининг зўравонлик асосига қурилгани бу ҳолнинг бош омили эди. Гувоҳ кўп оворагарчиликларни бошдан кечирар, баъзан эса айбдор ўрнига жазоланган ҳоллари ҳам кўп учрар эди. Шунинг учун кўпчилик гувоҳлик қилишдан бош тортар, кўрса кўрмаганга олар эди. Бунинг асорати ҳозир ҳам айрим фуқароларда сезилади.

Қонунчиликда гувоҳ жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида қонунда белгиланган тартибда сўроқ қилинадиган шахс ҳисобланади. Ишдан хабардор бўлган, ишнинг бирор ҳолати ҳақида бошқалардан эшитган ёки ҳужжатлар орқали маълумотга эга бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Қонунда кимлар қай тартибда ва қандай ҳолатда сўроқ қилиниши аниқ кўрсатилган.

***Гувоҳ ёки жабрланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд уларни сўроқ қилмаса, у ҳолда бу гувоҳ ёки жабрланувчи суриштирув органи бошлиғига, тергов бўлинмаси бошлиғига, прокурорга (юқори лавозимдаги прокурорга) ёки юқори поғонадаги судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Гувоҳ ёки жабрланувчининг сўроқ қилиш тўғрисидаги шикояти 24 соат ичида кўрилиб, ижобий ҳал этилиши керак, яъни тегишли суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд уларни сўроқ қилишга мажбур.***

Жиноят-процессуал кодексининг 120-модда, 3-банди

Жиноят-процессуал қонунчилигида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

— ҳукм ва ажрим чиқариш жараёнида келиб чиққан масалаларни маслаҳатхонада муҳокама қилишга оид ҳолатлар тўғрисида судьяни ва халқ маслаҳатчисини;

— жиноят иши юзасидан ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида — ҳимоячини, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакилини;

— руҳий ёки жисмоний нуқсони сабабли иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатни тўғри идрок этиш ва бу ҳақда кўрсатма бера олиш лаёқатига эга бўлмаган шахсни сўроқ қилиш мумкин эмас.

Бундан ташқари, гувоҳ тарихасида фақат ўз розилиги билан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида сўроқ қилинишлари мумкин.

Жиноят-процессуал қонунчиликда гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 66-моддада кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга — сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатмалар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад этиш; кўрсатмаларни ўз қўли билан ёзиб бериш; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш; кўрсатмалар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ва суд ажрими устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Гувоҳ қуйидаги мажбуриятларга эга: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда Жиноят-процессуал кодексининг 261-264-моддаларига мувофиқ мажбурий равишда маҳкамага олиб келиниши мумкин. Суд гувоҳга қонунда белгиланган миқдорда пул жаримаси солишга ҳақли. Бундан ташқари гувоҳга кўздан кечириш, тергов эксперементи каби тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирок этишга рухсат берилган. Терговчи гувоҳнинг баданида жиноят излари ёки алоҳида белгиларини аниқлаш учун уни текшириб, гувоҳлантириш мумкин. Бундай гувоҳлантириш гувоҳнинг кўрсатмалари воқеликка тўғри бўлишини текшириш мақсадида ўтказилади, бошқа мақсадда ўтказилган гувоҳлантириш гувоҳнинг процессуал ҳуқуқларини қўпол равишда чеклаб қўйишига олиб келади. Гувоҳлантирилаётган гувоҳ, вояга етмаган, соқов, кар, кўзи ожиз бўлган тақдирда ҳимоячининг иштироки таъминланиши лозим.

Гувоҳ терговнинг юзлаштириш усулида ҳам қатнашади. Гувоҳ ишдаги тортишув ҳолатларида ҳақиқий масалаларни аниқлаш мақсадида бир неча сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувларида қарама-қаршиликлар бўлса, юзлаштириш ўтказилади. Гувоҳ юзлаштириш жараёнида илгари берган нотўғри кўрсатмаларини ўзгартириб, тўғри сўзлаши лозим. Юзлаштириш вақтида гувоҳлар илгари берган кўрсатмаларидан бош тортиб, уни ўзгартирса, янги воқеа-далилларни ўйлаб чиқарса, бундай ҳолларда улар ёлғон кўрсатма берган ҳисобланади ва улар қайта сўроқ қилинади. Гувоҳ бундан ташқари таниб олиш учун олиб бориладиган тергов ҳаракатида қатнашади. Бундай ҳолатда гувоҳга жабрланувчи, гумондор, айбланувчи қатори жиноий воқеа билан боғлиқ бўлган ва улар томонидан муқаддам қўзғатилган далиллар ва предметларни таниб олиш учун тақдим этилади. Шунингдек, гувоҳ дастлабки тергов ҳаракатини ошкор қилишга ҳақли эмас.

***Гувоҳ ёки жабрланувчи айнан шу кўрсатмалар орқали бирон бошқа шахсга нисбатан уйдирма, воқеликка тўғри келмайдиган ахборотлар келтирадиган бўлса, у ҳолда улар била туриб ёлғон кўрсатма берганлари учун жавобгарликка тортиладилар.***

Жиноят-процессуал кодексининг 120-модда, 4-банди

Кўриниб турибдики, қонунчиликда гувоҳнинг ўрни ва бурчлари аниқ белгиланган. Адолатли ечимга келишда гувоҳликнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис гувоҳлик нафақат фуқаровий, балки инсоний бурч деб ҳисобланади.

**Рашид ТЕМИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# «Ишонма, ишонма,» қўшиғини ким айтади?

***Фельетон***

Зарифа энди ишга отланаётганди, дарвозада Бердиёр кўринди.

— Келинг қўшни, — деди Зарифа. — Эрталабдан...

— Фермер хўжалиги очмоқчи эдим, — салом-аликдан сўнг муддаога ўтди Бердиёр. — Ҳокимиятда ишлаётган экансиз. Ҳужжатларни сизга бериб юборсам, уставни рўйхатга олиш, ижарага ер ажратиш тўғрида туман ҳокими қарорини чиқартириб келсангиз.

Кўп кун ўтмай Зарифа юқоридаги суҳбат чоғида айтилган ҳужжатларни Бердиёрга топширди. Иши осон кўчганидан, фермер бўлиб қолганидан Бердиёр терисига сиғмай қувонди. Баъзан қаттиқ қувонишнинг охири кўнгилсизлик билан тугайди, деб ирим қилишлари рост экан. Янги фермернинг хурсандчилиги узоқ чўзилмади. Гувоҳ сифатида терговга чақиришди.

Зарифа туман ҳокимияти умумий бўлимида штатсиз ишлаб юрганди. Қўшниси Бердиёр Азаматов ҳужжатларни тайёрлашда Зарифадан ёрдам сўрасам ишим тезроқ битади, деган хаёлга борган. Ахир, узоқдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши, дейишган-ку машойихлар. Зарифа эса тўғри йўл қолиб, эгрисини танлаган. Муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат — туман ҳокимининг «Аслиддин» фермер хўжалиги уставини рўйхатга олиш ва «8 Март» жамоа хўжалиги ҳудудидан фойдаланиш учун ижарага ер ажратиб бериш тўғрисида қойилмақом қилиб қарор тайёрлаган. Туман ҳокими имзосини бошқа бир ҳужжатдан нусха кўчириш дастгоҳида кўчириб ўтказган. Ҳокимликнинг қабул қилинган қарорларни қайд қилиш дафтарига 573-сон билан тиркаган. Қарабсизки, бошқаларидан ҳеч фарқ қилмайдиган, фаолият кўрсатишга тахт янги фермер хўжалиги пайдо бўлган. Зарифа ўзининг қилган ишини тадбиркорлик, тадбиркорлик бўлганда ҳам, яп-янгиси, антиқаси эканлигидан бир қувонса, Бердиёрнинг хурсандлигидан яна бир қувонган.

Энди гапни ҳокимиятдагилардан эшитинг. Туман ҳокимлиги умумий бўлим мудири Зафар Ҳайитмуродов қарорларни қайд қилиш дафтарига жавобгар шахс саналади. У ўзи масъул бўлган дафтарда дафъатан янги фермер хўжалиги қайд этилганига кўзи тушиб, бирдан кўнглига ғулғула тушади. Кейин аҳволни обдон ўрганиб қараса, ҳаммаси қалбаки экан. Шундан сўнг у қандай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг.

Буёғини сўрасангиз, қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунга бормай фош бўлди. Қўштирноқ ичидаги тадбиркорлик ҳожатбарорлик эмас, аслида жиноят эканлигини Зарифа сингари олий маълумотли мутахассис билмаслиги асло мумкин эмасди. Ҳа, шундай: у бу нопок ишга билиб туриб, қўл урган. «Ҳеч ким сезмайди, иш бошлаётган бошқа фермерлар орасида ўтиб кетади», - деган нотайин фикрда қош қўйишга уриниб, кўз чиқарган.

Бунинг оқибати нима билан тугарди?

Ҳа, шундай: тергов бошланиб, иш судда ниҳоясига етди. «Ҳожатбарор» Зарифа қилмишига яраша жазо олди. Унинг пешонасига «судланган» деган қора тамға босилди.

Халқимиз бошингга ҳар неки келса ўзингдан кўр, деб бежиз айтмаган.

Иштихонда эса «Ишонма, ишонма» қўшиғи хиргойи қилинмоқда. Ҳуқуқий билими, маънавий дунёси ва ҳалол-поклигини ўрганмай туриб, З.Муҳаммадиевага расмий ҳужжатлар тайёрланадиган хона эшигини очиб қўйилгани шундай қўшиқни пайдо бўлишига олиб келди. Синалмаган одамга ишониб, қалбакичилик содир этишига шароит яратган кимсалар шундай қўшиқ айтиб қолаверди...

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» махсус мухбири**

# Савол беринг!

***Уни хат ҳамда 133-70-65, 132-14-18 рақамли телефонлар орқали кутамиз.***

**1. Ишга тиклаш бўйича фуқаролик судига берилган ариза муддати қанча?**

— ЎзР МКнинг 270-моддасига асосан, меҳнат низосини судда ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари:

ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой;

ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин;

ходимнинг соғлигига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

**2. Ишга тиклаш бўйича суд қарорининг ижро муддати қанча?**

— ЎзР ФПК 377-моддасига асосан суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб уч йил ичида мажбурий тартибда ижро этиш муддати белгиланган.

**3. Ишга тиклаш бўйича суд қарори бажарилмаса, ижрочи томонидан икки марта далолатнома тузилган бўлса, унда қандай чора кўрилади?**

— ФПКнинг 381-моддасига асосан, ҳал қилув қарорининг бажарилмагани аниқланса, суд қарздорга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима, иккинчи марта бажармаса, энг кам иш ҳақининг қирқ баравар миқдорида жарима солинади.

**4. Ишга тиклаш бўйича суд қарорини бажармай, бажардик, деб судни алдаса, у ҳолда қандай чора кўрилади? Алдагани учун ижрочи томонидан далолатнома тузилган бўлса, унга қандай чора кўрилади ва муддати қанча?**

— ЎзР ЖК 232-моддасига асосан суд қарорини бажармаса: мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслик ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**5. Мажбурий ишсиз юрганларга иш ҳақи ким томонидан тўланади ва муддати борми?**

— Мажбурий ишсиз юрганларга иш ҳақи суднинг қарорига асосан жавобгар томонидан тўланади.

**6. Мажбурий ишсиз юрганда инсон моддий зарардан ташқари у ва оила аъзолари маънавий зарар кўради. Бунинг баҳоси борми ва ким тўлайди?**

— Маънавий зарарни жавобгар томон тўлайди ва баҳоси чекланмаган.

**7. Шу каби масалаларни ҳал этишда кимга мурожаат қилиш керак?**

— Бу каби масалалар МКнинг 260-моддасига асосан, туман судлари ва меҳнат низолари комиссиясида ходим хоҳишига кўра ҳал этилади.

**Сурхондарё вилоят, Шўрчи тумани, Хўжаниёров жамоа хўжалигида яшовчи Норбой МАВЛОНОВнинг саволларига ҳуқуқшунос С. ЭРГАШЕВ жавоб берди.**



***Тарих тилга кирганда***

# «Тузуклар» ва инсон ҳуқуқлари



Истиқлолнинг эркинлик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини улуғлаш ҳамда уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ғояси ўтмишдаги давлатчилигимиз тараққиётида ҳам ўз ифодасини топган. Заминимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккир олимлар, давлат арбоблари ва фузалоларнинг давлатни бошқариш соҳасидаги фаолияти асосан инсон ҳуқуқларини қадрлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган эди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва уларга берилган ҳуқуқларидан фойдаланишда соҳибқирон Амир Темур амалга оширган ишлар диққатга сазовордир. Чунки Соҳибқироннинг бутун ҳаёти ва кураши инсонни қадрлаш, унинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва яхши ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш билан чамбарчас боғлиқдир. Амир Темурнинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади. Фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларга садоқат билан бўйсунади. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади. Бу борада эса Соҳибқирон барпо этган давлатнинг қиёфасини ифодаловчи, ўша даврда конституция вазифасини бажарган «Темур тузуклари» муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тузукларда ҳам давлат бошқарув соҳасида амал қилиниши лозим бўлган тамойиллар, хусусан, қонунийлик, адолатлилик, инсонпарварлик ҳамда фуқароларнинг миллатидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликка ҳамда бурчга эга эканлиги белгиланиб, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Шунингдек, «Тузукларда» демократик асосларда давлат тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, давлат ва қўшин тузилиши, мазкур давлатнинг қўшни мамлакатлар билан бўлган муносабатлари ҳам ўз ифодасини топган. «Темур тузуклари»нинг асосий хусусияти шуки, унда инсонларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаати ҳамма нарсадан устун эканлиги қатъий белгиланиб, кафолатланган. Шуни таъкидлаш жоизки, «Тузукларда» фуқароларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳатто сиёсий ҳуқуқлари ҳам белгиланган. Унга кўра фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси ва турар-жой ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланган. Бунга асосан **«Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйни эгаллашига ёки фуқароларнинг мол-мулки ва бойлигини уларнинг ихтиёрисиз ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ»** эди. Инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи асарда қуйидагича таърифлаб берилади: **«Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар».**

Юқорида айтганимиздек, Амир Темур даврида фуқароларнинг сиёсий соҳадаги ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлган. Бунга кўра қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлиб, барча тоифадаги кишилар давлат ишларида фаол иштирок этиши ва у ёки бу масала бўйича ўзларининг эркин фикрларини билдириш ҳуқуқига эга бўлган. Бизга маълумки, Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган. Шу сабабли фуқароларнинг таълим олишини яхшилаш чораларини ҳам кўрган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатига жабр-зулм етказган шахсга амалдорларга нисбатан чораларни ҳам назарда тутган. Ҳар қандай жабр-зулм инсон ҳуқуқларини поймол қилади. Жумладан, меҳнат қилишга мажбур этиш, қийноққа солиш, мол-мулкига, шахсий ҳаётига зарар етказиш ва шу кабилар. Улуғ Соҳибқирон инсон ҳуқуқи ва манфаатига зид бўлган ана шундай хатти-ҳаракатларга қарши кураш олиб бориб, ўз амиру бекларидан, давлат хизматчиларидан фуқароларнинг ҳолидан хабар олиб туришни, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишини қаттиқ талаб қилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Амир Темур барпо этган давлатда чинакам шарқона демократик тамойиллар ҳукмронлик қилган эди. Зеро, инсон ҳуқуқи ва эркинлигини ҳамма нарсадан устун қўйган давлатнинг келажаги буюкдир.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**ТДЮИ II ҳуқуқ факультети II курс талабаси**

*Жаҳон тажрибаси*

# ГЕРМАНИЯ: БИЗНЕС – АДВОКАТУРА

**Ўзига хос жиҳатлари ва алоҳида хусусиятларига эга бўлган немис адвокатураси дунё мамлакатларининг ана шу соҳа мутахассисларида қизиқиш уйғотиб келмоқда. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида жиддий ўзгариш ва янгиланиш жараёни амалга ошаётган ҳозирги кунда Германиянинг илғор тажрибасидан хабардор бўлиш фойдадан холи эмас, албатта.**

**Шу маънода қуйида Германияда адвокатура тизими, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.**

Германияда адвокатлик фаолиятини, адвокатура тузилишини, бу тизимдаги амалиётни тартибга солиб турувчи махсус қонунчилик мажмуаси мавжуд. Бундай қонунчиликнинг асосини 1959 йил 1-августда қабул қилинган "Адвокатура тўғрисида Федерал Қонун" ташкил этади. Сал олдинроқ қабул қилинган ҳужжат, яъни 1957 йил 26-июлдаги "Адвокатлар хизматига ҳақ тўлаш тўғрисида Федерал Низом" ҳам Германия адвокатурасининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда, Германияда адвокатларнинг умумий сони унчалик кўп эмас. Масалан, 1993-йилда бу мамлакатда жами 91 миллион киши яшаган бўлса, 60 мингта адвокат фаолият кўрсатган. Немислар "адвокат" тушунчасини ва касб эгасини айнан биздек тушунишади ҳамда худди шундай тасаввур қилишади. Зеро, кўплаб ривожланган мамлакатларда адвокат ҳақидаги тасаввур умуман ҳуқуқшунос, мутахассис-юрист тушунчаси билан қарийиб мос келади. Шу билан бирга юридик мутахассисликлар дифференцияцияси Германияда аниқ белгиланган бўлиб, адвокатлар томонидан бажариладиган функциялар мажмуаси Федерал қонуннинг учинчи параграфида қуйидагича белгиланган:

а) ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар, ахборотлар, маълумотлар ва кўрсатмалар бериш;

б) Фуқаролик судларида томонларнинг вакиллари сифатида иштирок этиш, судга алоқаси бўлмаган ҳуқуқий муносабатларда, юридик шахслар билан жисмоний шахслар ўртасидаги музокараларда томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

в) жинойи ишлар юзасидан бўладиган судларда айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқий ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатиш, жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилувчи вакили бўлиш, тергов органларида ҳам ана шундай ҳаракатларни бажариш;

г) махсус шартнома асосида ўз мижозининг мол-мулкини бошқариш, унинг номидан иш юритиш ва ушбу фаолият доирасида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш функцияларини ҳам бажариш.

Эътиборли томони шундаки, немис адвокатининг бирор-бир корхонада юрист лавозимида доимий штатда туриб ишлаши қатъиян ман этилган. Германияда адвокат давлат идорасида ҳам, тижорат корхонасида ҳам, жамоат муассасасида ҳам муқим штатда турмаслиги керак. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатдаги адвокатура тизими ўзининг тўлиқ мустақиллигини ва қонунлар ижросининг мутлақ адолатли бўлишини таъминлай олсин. Яна бир муҳим томони шундаки, адвокат бемалол сиёсат ва адабий фаолият билан машғул бўла олади. У ҳар қандай суд жараёнида, ҳар бир суд қатнашчисига ўзининг сиёсий нуқтаи назарини баён қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун адвокат судьялар томонидан санкцияланмайди.

Германияда адвокатлар устидан назоратни давлат номидан юстиция органлари амалга оширади. Яъни немис адвокатлари суд ҳокимиятига эмас, балки ижро ҳокимиятига бўйсунади. Адвокатлик амалиёти билан шуғулланиш учун, аввало, судьялик мақомини эгаллаш зарур. Германия қонунлари шуни қатъий талаб этади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, судья лавозимида ишлашга ҳуқуқли бўлган, судьяга қўйиладиган барча талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган юристгина адвокатлик амалиётига кириша олади. Буни "ягона ҳуқуқий корпус" деб аташади. Бундай талабни бажариш учун бўлажак адвокат университетларнинг бирида 6 семестр давом этадиган ҳуқуқшунослик курсининг махсус маърузаларини эшитиши, иккита махсус имтиҳон топшириши зарур. Биринчи имтиҳон ўзи ўқиган университетда топширилади. Кейинги босқич-амалиёт. У тўрт йил давом этиб, суд, прокуратура, нотариат ёки адвокатура идораларида кечади. Синов муддати тугагач, иккинчи имтиҳонга тайёргарлик кўрилади. Ушбу имтиҳон адлия вазирлиги (ёки бошқармаси)нинг назоратида, маълум ҳудуд доирасидаги юқори даража мутахассислари олдида бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, иккинчи имтиҳон — бу том маънодаги амалий кўникмалар, маҳорат ва тажрибалар даражасини белгиловчи қийин синовдир. Унинг саволлари назариядан анча узоқда бўлиб, асосий эътибор бўлажак юристнинг юқори профессионал маҳоратини аниқлашга йўналтирилган. Ана шу "ҳаётий имтиҳон"ни муваффақият билан топшира олган юрист бир вақтнинг ўзида ҳам адвокат, ҳам судья бўлиб ишлаш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу қоидадан фақатгина битта ҳолат истисно бўлиши мумкин. У ҳам бўлса Германия ҳуқуқлари доктори даражасининг соҳиби бўлган шахснинг синов муддатини ўтамасдан ва имтиҳонларни топширмасдан адвокатлик қила олиши мумкин.

Шундай қилиб, юстиция вазирлиги (бошқармаси) ва округ адвокатлар коллегиясининг биргаликдаги хулосаси бўлажак адвокатнинг фаолиятини белгилаб беради. Адвокатура тўғрисидаги қонунда бўлажак адвокатнинг амалиётга киришишига монелик қиладиган 10 та ҳолат аниқ қилиб келтирилган. Булар:

- Федерал Конституцион судининг қарори асосида фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилган бўлса;
- Суд қарори асосида оммавий лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- Суд қарори билан адвокатура тизимидан ҳайдаб чиқарилган бўлса;
- Интизомий суд қарори билан ҳуқуқ идораларидан бўшатилган бўлса;
- Адвокатлик шаънига номуносиб ҳаракати учун айбдор деб эълон қилинган бўлса;
- Германия жамият тузумига қарши ғайриқонуний йўллар билан кураш олиб бораётган бўлса;
- Жисмоний нуқсонлар, руҳий камчиликлар асносида адвокатлик фаолиятини олиб бора олмайдиган бўлса;
- адвокатлик касби ва обрўсига путур етказувчи фаолият билан шуғулланаётган бўлса;
- Суд қарори асосида ўз мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи чекланган бўлса;
- Судъя ёки давлат идорасининг хизматчиси бўлиб ишлаётган бўлса.

Яна бир қизиқ томони шундаки, Германияда адвокатлик фаолияти аниқ белгиланган суд қошида ва фақатгина ана шу суд кўрадиган ишлар доирасида амалга оширилади. Яъни адвокатлик гувоҳномаси аниқ суднинг жой номи ёзилган ҳолда берилади. Бунинг сабаби — адвокатлар фаолиятининг давлат томонидан назорат қилинишини таъминлашдир. Баъзи ҳолларда, одил судловни таъминлаш ёки маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бир адвокатга иккита судда қатнашиш имкони яратилади. Бу жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, аксарият адвокатларнинг доимий судлари мавжуд. Ундан ҳам қизиқроғи, судьяларнинг ўзлари ҳам вақти-вақти билан маҳаллий ҳокимия идораларига ва ҳудуд адлия бошқармаларига малака имтиҳони топшириб туради.

Германиянинг Федерал Олий судининг адвокатига қуйи даражадаги судларда қатнашиш қатъиян ман этилади. Ва бу қоида ҳеч қандай истиснога эга эмас. Бошқа даражадаги ва бошқа ҳудуддаги суд органларида ҳам махсус китоб юритилиб, унда "ўз" адвокатларининг исми-шарифи тантанали тарзда ёзиб қўйилади.

**Рус тилидан Дилмурод МУҲАММАДИЕВ таржима қилди**

***Таҳрирсиз мактуб***

# ИККИ БЕКАТ ОРАЛИҒИДАГИ МУАММОЛАР

Тошкентнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Бодомзорга йўлингиз тушганми? Амир Темур кўчасидан Жаҳон Обидова кўчасига бурилсангиз, икки бекат йўл оралиғида бизнинг машҳур Бодомзор жойлашган. Жаҳон Обидова кўчасида машиналар серқатнов. Бодомзордаги мактаб, боғчалар Ж.Обидова кўчаси ёқасида жойлашган. Гап шундаки, Ж.Обидова кўчаси кундан-кунга йўловчилар учун хавфли бўлиб қолмоқда.

Трамвайлар қатнови Ж.Обидова кўчаси бўйлаб, икки бекат ва охирги тўхташ халқаси «Ўзбеккишлоқмаш» заводи бекатини ташкил қилади. Ана шу икки бекат оралиғида 2-йўналиш бўйича трамвайлар ҳаракат қилади. «Бодомзор-Водопроводная» бекатлари оралиғидаги трамвай йўли турар жой бинолари ҳовлилардан бор-йўғи 10-12 метр масофада жойлашган. Вагонлар ҳаракати вақтида йўл ёқасидаги уйларнинг пойдеворидан томигача титрайди. Эрталаб соат 5.20 дақиқада биринчи трамвай гумбурлаб, катта тезликда ухлаб ётган фуқароларнинг тинчини бузиб, ўтиб кетади. Биз, маҳалла аҳли бу ҳақда 1-трамвай депосига мурожаат қилдик. Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат акционерлик уюшмасининг электр транспорти бошқармасига ва айни пайтда шаҳар санитария эпидемиология назоратига мурожаат қилдик. Бизнинг аризамизга шаҳар санитария-эпидемиология назорати бош врачининг ўринбосари М.Шодиев шундай жавоб ёзди: **«Аризада кўрсатилган далиллар ўз тасдиғини топди. Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази физик омиллар лабораториясининг 2000 йил 9 октябридаги 311-сонли протоколида 101, 109-уйларда трамвай ҳаракатланаётган пайтда шовқин даражаси 10 ДБга, тебраниш (вибрация) даражаси 2 ДБдан 10 ДБгача йўл қўйилган меъёридан юқорилиги қайд этилган. Ушбу хатга лаборатория ўлчовлари тўғрисида протокол, шовқин ва тебранишни камайтириш бўйича тавсиянома илова қилинди».** Тавсияномада шовқин ва тебранишни камайтириш бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирлар кўрсатилди. Электр транспорти бошқармаси раҳбари К.Ғуломов зудлик билан бизга жавоб ёзди. Мазкур жавобда тез орада жами камчиликлар бартараф қилиниши, трамвайлар «Бодомзор—Водопроводная» бекатлари оралиғида соатига 5 км тезлик билан ҳаракат қилишини таъминлаш ёзилган эди. Бир қарашда, муаммо ҳал бўлгандек эди. Аслида-чи... Бир-икки кун сариқ нимча кийган таъмирловчилар трамвай изларини ремонт қилишган бўлишди. Орадан чамаси бирор ойлар ўтиб, соатига 5 км тезликда ҳаракат қилишни кўрсатувчи белгилар осилди. Бироқ негадир бу белгилар узоқ турмади. Ростини айтганда, трамвай ҳайдовчилари тезликни яна ҳам оширишди.

«Ўзбеккишлоқмаш» бекатига чиқиб, вақти-вақти билан трамвай ҳайдовчилари, бекат диспетчерлари билан суҳбатлашдик. Суҳбатлар ва кузатишлар асносида маълум бўлишича, трамвай вагонларининг деярли ҳаммаси носоз, талабга жавоб бермайди. Депо раҳбарияти ҳар қандай носоз вагонни ҳам қатновга чиқишга мажбур қилишади. Нега, деган саволнинг туғилиши табиий, албатта.

— Қатновга чиққан ҳар бир вагон депога нақд пул олиб киради, — дейди бир вагон ҳайдовчиси, — уларнинг носозлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Темир йўлларнинг аҳволини бир қаранг, «гармошка» бўлиб кетган. «Нега соатига 5 км тезликда юришни кўрсатувчи белгига амал қилмайсизлар?», — деган саволимизга вагон ҳайдовчилари бир овоздан: «Амал қилмаймиз. Бизга вақт қўшиб берсин. Биз кеч қолсак, диспетчер буни қайд қилади, натижада ойлик маош камаяди», — деб жавоб қилишди.

Хўш, бир қарашда оддий бўлиб кўринган муаммоларнинг инсонларга қанчадан-қанча зарар келтираётганини сарҳисоб қилиб кўрса бўладими? Бўлади. Йўқотилган асаб, соғлиқ, зарарни пул билан ўлчаб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Аммо шу пул учун негадир депо раҳбарияти ҳеч нарса билан ҳисоблашмай қўйган.

Президентимиз Ислом Каримов куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг муаммоларига жиддий эътибор бериш хусусида гапирди. Тошкент шаҳар ҳокимияти мутасаддилари бизнинг муаммоларимиз билан қизиқишса, фойдадан холи бўлмас эди.

***Маҳалла аҳли номидан:***

**Т.Асқархўжаев,**
**Ғ.Акбаров,**
**Қ.Қурбонов.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Маҳалла аҳлининг ёзганлари одамни чуқур ўйга толдиради. Бироқ бу бир томоннинг фикри. Ўйлаймизки, иккинчи томон — Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари жойдаги вазиятни ўрганиб, муаммони ҳал қилади ва бу тўғрида бизга аниқ жавоб йўллашади.

# ОДАМЛАР НЕГА ШИКОЯТ ЁЗАДИ?

*Иккинчи мақола*

**Одам боласининг яхшиликни излаб, унга интилиб яшаши инсоний фазилатдир. Аммо атрофдагилар бепарволиги боис ҳамиша ҳам бундай фазилатни англай олмайди. Таҳририятимизга келаётган мазмунан хилма-хил, лекин моҳиятан баъзиларнинг лоқайдлигини кўрсатиб турувчи мактублар бундай дейишимизга асос бўлмоқда. Янаям тўғрироғи, айрим маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлиги шикоят ёзилишига сабаб бўлаяпти.**

**Негаки, баъзан уларнинг газетада ёритилган шикоят-хатларга жавоби шунчаки расмиятчилик учун ёзилади шекилли, яна ўша хат муаллифидан такрорий хат оламиз. Энди у шикояти газетада ёритилса-да, амалда тайинли ўзгариш бўлмаганидан нолийди.**

**Албатта, шикоят хати ёзиш ҳеч кимга осон эмас. Аммо амал курсисида ўтирган баъзи бир маҳаллий раҳбарларнинг ўз юртдоши, ёру биродари тақдирига лоқайдлиги, содир бўлаётган камчилик ва нуқсонларга панжа орасидан қараши одамларни «айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» қабилида ёзмоққа мажбур этади. Шу ўринда яна бир фикрни эслатмоқ жоиз. Яъни бу шикоят мактублари бир томоннинг фикрлари эканлигини унутмаслик керак. Хатларда акс этган фикрлар мутлоқ тўғри деган фикрдан ҳам йироқмиз. Шунинг учун иккинчи томон — мутасадди идораларнинг аниқ жавобларини кутамиз.**

**Қашқадарё вилояти, Ғузор туманининг «Истиқлол» номли қишлоғида яшовчи Амир Ғаниев таҳририятга йўллаган шикоят хатида шундай ёзади:**

«...1992-96 йилларда сут-товар фермаси мудири бўлиб ишлаб турганимда «Истиқлол» қишлоқ хўжалиги кооператив ширкат хўжалиги раисининг тазйиқи остида ишдан бўшадим. Бўшаган иш ўрнига раис чорвачилик соҳаси бўйича мутахассис бўлмаган ўз қариндошини жойлаштирди. Сўнг эса илгари ишлаб келган барча ишчи-хизматчилар бирин-кетин ишдан озод этилиб, уларнинг ўрнига бошлиқнинг қариндош-уруғлари жойлашиб олди.

Сут-товар фермасининг зоотехник штати бўш бўлганлиги учун мен олий маълумотли зоотехник сифатида ишга қабул қилишларини сўраб, ёзма равишда мурожаат қилдим. Сўровларим беҳуда кетди.

Фермага мутахассис бўлмаган, нафақага чиқиб кетган кексалар ишга жалб қилингач, норози бўлиб вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туман прокурорига рўй бераётган ноҳақликлар тўғрисида шикоят ёздим. Бунга жавобан ферма мудири томонидан ҳақорат эшитдим, холос...»

Амир Ғаниев балки ҳақдир, балки ноҳақдир. Буни бизга Қашқадарё вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда маҳаллий раҳбарлар аниқлаштириб беришса, ажаб эмас.

**Навбатдаги мактуб ҳам Қашқадарёдан йўлланган:**

"Туманимизда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истқомат қилади. 22 та асосий, 150 дан зиёд фермер хўжаликлари мавжуд. Биз уларга ўз соҳамиз йўналишида хизмат кўрсатишимиз керак. Афсуски, ишлай олмаяпмиз. Сабаби, Косон шаҳар ижроия қўмитаси бизга тегишли бинони халқ таълими бўлимига, уларга тегишли бўлган 60 ўринли ётоқхонани эса бизга берган эди. Борига шукур, дея ишлаб юрганимизда ёнимизда жойлашган коммунал хўжалиги ўз биносини «Меҳнат» кичик корхонасига ижарага берди. Бу корхона эса 1994 йилнинг 26 сентябрида бинони «Нақшбанд» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига пуллаб юборди. Фирма бинонинг бир қисмини тадбиркор З.Боевага пуллади. Қарангки, «ошиғи олчи» бўлаётган «Нақшбанд» энди бизга тегишли бинога кўз олайтира бошлади ва ниятига етди. Яъни ўзлари «еб» битирган бино учун дастлаб тўлғазилган ҳужжатлардаги 1 рақамини 2 қилиб ўзгартириб, бино эгаси бўлиб чиқди. Шундан бери ҳақиқат излаб сарсонмиз. Мурожаат қилиб кирмаган эшигимиз қолмади" деб ёзади **Косон тумани давлат ветеринария даволаш марказининг раҳбари Ҳаким Абдураҳмонов ҳамда лаборатория мудири Асқад Исмоилов.**

Шикоят хатига Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси Агросаноат мажмуида хусусийлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи С.Абдуллаев имзоси билан Қашқадарё вилояти давлат мулки бошқармасига «Нақшбанд» хусусий фирмасига ётоқхонани хусусийлаштириш тўғрисидаги 552-сонли буйруқни бекор қилиш бўйича хўжалик судига даъво аризаси киритиш ва ётоқхоналарни қайтадан хусусийлаштириш тўғрисида топшириқ берилганлиги хусусидаги жавоб хати илова қилинибди.

Қашқадарёлик раҳбарлар зора энди ҳақиқатни кўра қолсалар эди, дея умид қилиб қоламиз.

**Самарқанд вилоятидан келган шикоят мактуби ҳам кишини ўйлантиради.**

**Каттақўрғон шаҳрининг Ҳамза кўчасида яшовчи отахон, уруш иштирокчиси Носир Қодиров йўллабди.** Отахон ўз неварасига Каттақўрғон шаҳрида яшайдиган Людмила Панкратова деган аёлнинг уйини сотиб олиб бергани, барча ҳужжатлар рисоладагидай бўлиб турганида Лилия Панина деган шахс даъвогар сифатида пайдо бўлгани ва унинг даъвоси қаноатлантирилган бўлишига қарамай, ҳамон отахонга тинчлик-хотиржамлик бермаётгани тўғрисида шикоят қилади.

Мазкур масалага Каттақўрғон шаҳридаги мутасаддилар, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ойдинлик киритиб, уруш қатнашчисига хотиржамлик бахш эта олади, деб ишонамиз.

**Навоий вилоятининг Конимех туманидан хат йўллаган Тўрамурод Нурнашев** иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, 1991 йилга қадар «Шўркўл» жамоа хўжалигида турли лавозимларда ишлаб келгани ва ҳозирда ойига 22 минг сўм нафақа олаётгани, бу ҳақнинг тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида маълумот беришимизни сўраб ёзибди.

Отахон бизга мактуб ёзиб овора бўлгандан кўра туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсалар мақсадга мувофиқроқ бўларди.

**Қўлимизда Фарғона вилоятидан жўнатилган икки мактуб:**

Қўқонлик 75 ёшли отахон Х.Хидировнинг «сизга «Тико» русумли автомобил обертираман» деб 100 минг сўм пулини ўмариб кетган аллақандай тепакал, кўзойнакли мухбирни топиб беришимизни илтимос қилиб ёзган мактуби ҳар биримизга олди-берди масалаларида фақат қонун йўли билан, яъни нотариус тасдиғи асосида иш юритиш зарурлигини, акс ҳолда нажотсиз, чув тушиб қолиш мумкинлигини эслатиб туради, деб ўйлаймиз.

Иккинчи мактуб **Марғилон шаҳар, Янги Марғилон шаҳарчаси, Машъал кўчасида яшовчи Мамасидиқ Маҳмудов ҳамда Моҳира Мирзаевалардан.** Хат муаллифлари негадир ўз шикоят мактубларига имзо чекишмаган. Шундай бўлса-да, сатрлар ортида умидвор инсонлар турганини ҳис этиб, шикоят билан танишдик. Маълум бўлишича, М.Маҳмудов 1994 йилдан буён Бобур номидаги жамоа хўжалигида аъзо бўлиб, унинг турмуш ўртоғи М.Мирзаева шу хўжаликнинг 3-бригадасида ижарачи бўлиб ишлаган. Хат муаллифлари зиммаларидаги шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган бўлсалар-да, 1999 йилга келиб, уларга тегишли 10 гектар экин майдонини хўжалик раҳбарлари бошқа бировга асоссиз равишда бериб юборганидан шикоят қилади.

Мактубга илова қилинган Фарғона вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси С.Аҳмадқулов, вилоят ИИБ бошлиғи Б.Сиддиқов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б.Шалимовларнинг жавоб хатларида эса Бобир номидаги жамоа хўжалиги М.Маҳмудов билан 1998 йилнинг 23 январида 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 58,8 центнер дон етиштириш юзасидан ижара шартномаси тузилганги, аммо йил давомида ижара шартномасидаги дон етиштириш бўйича мажбурият ижарачи томонидан бажарилиши таъминланмагани таъкидланади. Шунингдек, жавоб хатларида хўжалик маъмурияти юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиб, ижара шартномаси тугаганлиги муносабати билан ер бошқа тадбиркорга хусусий қилиб эмас, балки ижарага берилганлиги ҳам баён этилган. Ушбу жавоб хатлари шикоятга ўрин қолмаганлигини англатади, назаримизда.

Яна бир мактуб ҳар биримизга таниш манзарани эслатди. Яъни турли жойлар, бозор ва бекатларда сотилаётган ранг-баранг лотореялар ва улар атрофидаги гап-сўзлар хусусида. Хат муаллифи **Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманининг Македан қишлоғида яшовчи Менглибой Чўлибоев.** У тумандаги "Тадбиркорбанк"дан ҳар бири 1000 сўмдан бўлган 2 дона «Буюк келажак—2000» телемарафони хайрия чиптасини сотиб олиб, алданганидан нолийди. «Ютуқлар тиражи 2000 йил 15 майда Тошкент шаҳрида ўтказилиши керак эди, — деб ёзади М.Чўлибоев, — аммо тадбир роппа-роса бир йил кечиктириб ўтказилди. Боз устига ютуқ пулини берадиган ташкилот йўқлиги ҳафсаламни пир қилди. Энди арзимизни «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси мутасаддилари эшитармикин? Ахир, уларнинг лоторея сотиб пул тўплаб, ютуқларни беришга келганда «жим» бўлиб қолишлари қайси қонунга тўғри келади?..»

Мактублар, мактублар... Уларнинг ҳар бирининг ортида инсон, унинг ташвиши, умидли кўнгли кўринади. Жойлардаги мутасадди идоралар уларга лоқайд бўлмаса, ҳар бирига жиддий эътибор билан ёндашиб, муаммони жойида ҳал қилишса эди, одамлар пойтахтга шикоят ёзиб овора бўлмаган бўларди.

**Салима ҚИЛИЧЕВА,**
**«Инсон ва қонун»нинг махсус мухбири**

*Ибрат*

# САОДАТ ЙЎЛИ



Ҳаёт гўзаллиги, мазмуни, ҳар кунимизнинг шодумон ўтмоғи оналар меҳрига нақадар боғлиқ. Қалби меҳр-муҳаббат билан тўлиқ оналардан бири Оҳу опа Раҳимовадир. Камтарин, заҳматкаш ва меҳнатсевар Оҳу опани фақат ўз фарзандларининг эмас, айни пайтда Тошкент Давлат юридик институти талабаларининг ҳам онахони десак, муболаға бўлмайди.

Республикамизнинг турли ҳудудларида қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган ажойиб юристлар ҳам Оҳу Раҳимовани устоз онахон сифатида беҳад ҳурмат қилишади.

Хўш, бу аёл одамлар ҳурматини қозонмоқ бахтига қандай эришди?

Олиманинг ҳаёт йўлига назар ташлаб, саволимизга жавоб топамиз. Опанинг деярли бутун ҳаёти мамлакатга малакали юристлар тайёрлаб берувчи илм даргоҳи билан боғлиқ. 55 йил муқаддам ўзи шу ўқув масканига ўқишга кириб, қалби лиммо-лим орзулар билан тўлган эди. 1952 йили Ўрта Осиё давлат университетининг юридик факультетини тугатиб, 1959 йилга қадар Тошкент вилояти матлубот кооперацияси кадрлар бўлимида инспектор, сўнг Ўзбекистон Олий ва махсус таълим вазирлиги кадрлар бўлимида катта инспектор вазифасида ишлади. 1960-64 йилларда эса илм даргоҳига қайтиб, «Маъмурий ва молия ҳуқуқи» кафедрасида аспирант сифатида фаолият кўрсатди. Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Йиллар ўтиб борар ва олиманинг интилувчан ҳаёт йўлларида салмоқли излар қолдирарди. О.Раҳимова олий ўқув юртининг оддий ўқитувчилигидан кафедра мудирлигигача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтди.

Айни кунларда юридик фанлари номзоди, доцент, ТДЮИнинг «Маъмурий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқи» кафедраси мудири Оҳу Раҳимова институтда «Маъмурий ҳуқуқ», «Молия ҳуқуқи», «Банк ҳуқуқи» ва «Солиқ ҳуқуқи» фанлари бўйича маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб бормоқда. Давр талаби, масъулиятини дилдан ҳис этиб ишловчи устоз онахонга институт раҳбарияти бакалавр ва магистратура йўналиши бўйича дарсларни ишониб топширган.

Оҳу Раҳимованинг республикамизда ва хорижий давлатларда самарали меҳнат қилаётган шогирдлари ўз устозларини фаннинг билимдони, қизиқарли ва жонли маърузалар соҳибаси, «оқсайдиган» талабаларга нисбатан талабчан мураббий сифатида тилга оладилар.

Устознинг ўқув жараёнига, дарсга муносабатлари қатъий талаблар асосида қурилган. Кафедра мудирлиги, қатор жамоат ишлари, турли ўқув-услубий ишлари тайёргарлиги билан бирдек, устоз учун жадвалда белгиланган дарслар, уларни вақтида, сифатли ўтиш муқаддас бурч, қонун ҳисобланади. Тажрибали устознинг маърузасида талаба хаёли четга қоча олмайди, жонли, ҳаётий мисоллар асосида олиб бориладиган машғулот барчанинг диққатини фақат мавзуга тортади.

Устоз онахон ўзи яшаётган маҳаллада ҳам яхшигина обрў-эътиборга эга. У турмуш ўртоғи, профессор Анвар Раҳимов билан тотув оила бағрида уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ўғли Саидолимхон медицина фанлари доктори, профессор, қизлари Муаттархон ва Маликахон бири шифокор, бири юрист сифатида элга хизмат қилиб келишаяпти.

Устоз олима учун энг катта мукофот — суюкли оиласи, фарзандлари, неваралари, жонажон талабалари, содиқ шогирдларнинг меҳр-муҳаббатга тўла нигоҳлари, улар билан бирга кечадиган хушнуд, бахтиёр дамларидир. Зеро, 70 ёшли онахонни камолотга етказган фазилатлар замирида ҳам камтарлик, инсонийлик, хушфеъллик бор.

**Д.АҲМЕДОВ,**
**ТДЮИ проректори,**
**М.АҲМАДШОЕВА,**
**юридик фанлари номзоди, доцент**



Болаликнинг маъсум нигоҳи

*Жиноят ва жазо*

# «ИККИ ЎРТОҚ ХИЗМАТДА» ёки

*Тамара ва Шабанбойнинг найранглари ҳақида*

Нафс балоси одам боласини нима кўйларга солмайди, дейсиз?! Бундай нопок йўлга кирган кимса инсоний қиёфасини буткул йўқотиб қолмай, ҳаром-хариждан ҳам хазар қилмай қўяди.

Аммо ҳаётнинг ўз қонунияти бор. Яъни ҳар қандай қинғир, нопок ишнинг қийиғи эртами-кеч, барибир, фош бўлади. Буни навоийлик Шабанбой Нурматов ва Тамара Хўжаеваларнинг нопок ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Икки ҳамтовоқ нафснинг измига тушиб, пул топишнинг антиқа йўлини танлашди. Яъни улар куппа-кундуз куни оддий ва содда одамларни лақиллатиб, пул топмоқчи бўлишди. Ўзаро тил бириктириб, жиноий гуруҳ тузишди. Танишбилишлари орқали Жанубий Корея ва Германияга бориб ишлашни истовчиларни тўплашди. Улар ўзларини ана шу ишнинг бошида турган ҳомийлардек қиёфага солиб кўрсатишди.

Бундай соддадил одамларни излаб топиш, ҳужжатларни тўплаш ва ниҳоят, "хизмат ҳақи"ни қўлга киритиш Шабанбойнинг зиммасига юклатилди. Тамара эса бир четда туриб, унга "устоз" лик қилди. У ўзига етгунча пишиққина эди, иложи борича одамларнинг кўзига кўринмасликка, панада туриб, уларнинг кўзига чўп суқиш пайида бўларди.

Орадан ҳафта ўтмай Навоий шаҳри, "Халқлар дўстлиги" шоҳкўчасининг 130-уй, 44-хонасидан хорижга бориб ишлаш хоҳишини билдирганларнинг қадами узилмай қолди.

Албатта, икки туллак — Шабанбой ва Тамара ҳамма иш хамирдан қил суғиргандек осон кўчаётганидан беҳад хурсанд эди. Ахир, бундан қувонмай бўладими?! Бели оғримай, оппа-осон жарақ-жарақ пулларни санаб олиш уларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйди.

Баъзан иккиси ёлғиз қолганда, Шабанбойга Тамаранинг: "Кўки"дан кўпроқ олинг, оға!" — дея кўзини ишвали қисиб қўйиши хўш ёқарди.

Энди буёғини сўрасангиз, икки ўртоқ ҳаш-паш дегунча Ф.Аллаёров, О.Ахатов, Г.Музаффарова, И.Назаров, И.Нуруллаев, Г.Собирова, В.Пардаев, Ф.Ҳусанов сингари 30 нафардан зиёд соддадил кишиларнинг 1 мли сўм ёки 1 минг АҚШ долларлари миқдоридаги пулларини қўлга киритишди.

Бундай нопок ишнинг охири нима билан якун топади?

Ҳа, албатта, "икки ўртоқнинг хизмати"га қонуний нуқта қўйилди. Шабанбой ҳам, Тамара ҳам қилмишига яраша жазо олди.

Аммо бу масаланинг бир томони. Унинг кишини мулоҳаза қилишга ундайдиган иккинчи жиҳати ҳам йўқ эмас. Хусусан, икки нопок шундай фирибгарликка қўл урган экан, 30 нафардан зиёд киши пешона териси билан топган пулларини нега уларнинг қўлига оппа-осон топшириб қўйишди? Ахир, улар икки фирибгарнинг алдовига учмай туриб, ҳаммасини ётиғи билан сўраб-суриштириши мумкин эди-ку! Натижада аввалроқ бу фирибгарликнинг олди олинарди. Ҳаммаси алдовга кўр-кўрона ишонишдан бошланган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётда ондасонда учрайдиган фирибгарлик каби иллатларга фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари эмас, балки ҳар биримиз қарши курашишимиз лозим. Шундагина ҳаётда бундай фирибгарликка ўрин қолмайди.

**Ёркул УМАРОВ,**
**журналист**

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# Газакланган андиша

Акбар ва Мансур синфдош қадрдонлар эди. Осон пул топиш илинжи уларни янада қалин қилиб қўйди. Улар яшаётган қишлоқда Сайхунобод туман бўрдоқичилик ҳиссадорлик жамиятининг омборхонаси бор бўлиб, у шолига тўла эди. Оромини йўқотган синфдошлар бир кеча омборхона ҳовлиси деворидан ошиб тушиб, темир дарвоза остидан омборга киришиб 23 та қопни шоли билан тўлдиришди. Кейин эса қопларни дарвоза остидан судраб чиқишиб, панароққа яширишди-да, улов топиб келишга кетишди.

Ниҳоят, машина топиб, қопларни юклашди. Аммо намгарчилик бўлганлиги сабабли машина омборхона ёнида лойга ботиб қолади. Ярим тунда шофёр ҳам уйқусираб турган шекилли, "бошқа улов топинглар" дейди-да машинасини шу жойда қолдирганча уйига кетворади. Шунда икки оғайни эса қопларни машинадан тушириб нарироқдаги ўт-ўланлар орасига яшириб қўйишга мажбур бўлишади. Иш рисоладагидай битаётган эди. Аммо омбор қоровулининг хушёрлиги уларга панд берди. Қоровул эрталаб қараса, омборхона ёнида бир машина лойга ботиб ётибди. Машинадан хабар олганда ҳайдовчи кечаси шоли ортишга келганини айтди. Хўжалик раҳбари Муҳиддин Узоқов ўғриларни дарҳол аниқлади ва шолини қайтариб омборга тўктирди. Ота-онасининг илтимосларини инобатга олиб андиша юзасидан ишни "босдибосди" қилиб юборди.

Лекин Акбар билан Мансур қишлоқдошларининг ғамхўрлиги ва андишасидан тегишли хулоса чиқармади.

Бир марта панд еб, қишлоқ аҳли олдида юзлари шувит бўлган бўлса-да, яна осон пул топиш йўлларини излай бошлашди. Улар энди ўзларига "устоз" топишга аҳд қилишди.

Устозинг қарға бўлса, титганинг гўнг бўлади, деб бежиз айтишмаган экан. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да ҳали қуйилмаган Валижон Абдурасулов "устоз"ликни бўйнига олди-ю синфдошларни босқинчиликка бошлади. Акбарнинг қўлига труба бўлаги, Мансурга пичоқ бериб, бошларига пайпоқ кийгизди. Ўзи эса қўлига пичоқ олиб ярим тунда танишиникига бошлади. Алдаб эшикни очтириб, аввал уй эгаларининг қўл-оёғини боғлаб, уриб, тепиб уларнинг 40 минг сўм пули ва тилла зирагини олиб кетишди. "Устоз" "шогирд"ларига 7 минг сўмдан пул берди. Мансур тунда сирғанинг бирини йўқотиб қўймаганда тушум янада кўпроқ бўлиши ҳам мумкин эди.

Бу гал уларнинг "ов"и юришмади. Жиноят фош этилди. Натижада Акбар Алимов ва Мансур Мирзаев суд олдида жавоб беришга мажбур бўлди. Уларнинг "устоз"и эса қочиб кетганлиги боис ҳозир қидирилмоқда. Синфдошлар жиноятига яраша жазо олишди.

Шунингдек, биринчи галдаги ўғирликни ҳуқуқ-тартибот идораларидан яширгани учун хўжалик раиси М.Узоқовга уч йил мажбурий хизмат белгиланди.

Ушбу кўнгилсиз воқеа тафсилотига якун ясаш баробарида яна бир фикрни баён этишни лозим топдик. Халқда "аслингда бўлса наслингга чиқар", деган гап бор. Сайхунобод туманидаги Амир Темур номидаги ширкатлар уюшмасида яшовчилар фарзандлари орасидан ўғри ва талончи чиққанидан орият қилишлари табиий. Лекин орият қилишнинг ўзи камлик қилар экан. Болани тарбиялаб йўлга солиб, унинг қўлини бирон фойдали машғулот билан банд этишниям билиш керак экан.

Чунки икки ёш йигитнинг содир этган қилмишида уларнинг ота-оналари ҳам айбдор.

Бу воқеадан бошқа ота-оналар ҳам сабоқ чиқаради, деган умидда сўзимизга якун ясадик.

**М.ПАРДАЕВ,**
**Сайхунобод туман жиноят ишлари бўйича Суд раиси**

**Ушбу сондаги суратлар муаллифи Абдуғани ЖУМАЕВ**

# КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

***Маймун дарё бўйида ўтириб олиб, сувни қамчинлаб ҳайдаётган эмиш. Тимсоҳ сўраяпти:***

***— Нима қиляпсан?***

***— Юз сўм берсанг айтаман.***

***Тимсоҳ юз сўм берипти.***

***— Қани айт-чи, нима қиляпсан?***

***— Кўрмаяпсанми? Сувни қамчилаб ҳайдаяпман.***

***— Вой аҳмоқ-ей...***

***— Аҳмоқманми, йўқми, лекин ҳар куни минг сўм тушиб турипти.***

* * *

***Ҳайвонот боғидан фил йўқолипти. Милиция бошлиғига уни топишга уч кун муҳлат беришипти. Муҳлат ўтипти. Милиция бошлиғидан:***

***— Филни топдингларми? — деб сўрашипти.***

***— Ҳа, албатта, топдик-да, — депти бошлиқ ва хонага қафас ичидаги қуённи олиб киришипти.***

***Қуён хавотирли овозда дермиш:***

***— Ҳа, мен филман! Филман! Илтимос, фақат бошқа урманглар!***

* * *

***Тулки ўрмондан кетаётиб қараса, қуён йиғлаб ўтирганмиш.***

***— Ҳа, қуёнвой, нима бўлди?***

***— Хотиним ўлиб қолди.***

***— Хотининг ким эди?***

***— Хотиним фил эди, — деб хўрсинипти қуён.***

***Тулки хоҳолаб кулиб юборипти.***

***— Сенга кулги бўлса... Мен бечора ҳали гўр ковлашим керак...***

# «ЎЗ УЙИМДА ЯШАШГА ҲАҚҚИМ ЙЎҚМИ?»

Мен 1987 йилда Норкўчқор Холиқовга яхши ният билан турмушга чиқдим. Бизга Т.Шобуров номидаги жамоа хўжалиги томонидан 1989 йилда уй қуриш ва томорқа учун 12 сотих ер беришганди. Турмуш ўртоғим билан шу участкага 5 хонали уй қурдик ва кўчиб ўтдик. Аввалига 4 нафар фарзандимиз билан тинч-тотув яшардик.

Аммо, бир куни уйга кеч қайтган турмуш ўртоғим «Сен билан гаплашиб олишим керак, биз бу уйдан кетамиз, ота-онамнинг ҳовлисига кўчиб ўтамиз», - деб жанжал чиқарди. Сабабини сўрасам, «агар мени эрим десанг, суриштирмай айтганимни қиласан», — деди. Оиламни сақлаб қолиш, 4 нафар фарзандимнинг тақдирини ўйлаб, унинг гапига кўндим.

Бизнинг уйимизга унинг укаси Норбўта Холиқов кўчиб ўтди. Лекин, энди бизнинг хотиржамлигимиз бузилган, оиламиздан жанжал аримай қолди.

Қайнонам «сенга уй бермайман, ўғлимни уйлантираман, сени ҳайдаттираман» — деб туриб олди ва 2000 йил 6 декабр куни болаларим билан мени кўчага ҳайдаб солди. Афсуски, невараларини ўйламаган қайнонам тез кунларда ўғлини бошқа аёлга уйлантириб ҳам қўйди.

Фарзандларим билан кўчада қолгач, Қумқўрғон туманидаги мутасадди идораларга мурожаат қилдим. Афсуски, улар менга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмаяпти.

Бу қандай адолатсизликки, қурган уйимда бошқалар яшаб, 4 болам билан мени кўчада қолдиришса... Илтимос, ёрдам беринглар.

**Гулсара ШЕРМАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман Н.Боймуродов жамоа хўжалиги**

**Таҳририят**

Сурхондарё вилоят, Жарқўрғон туманидаги мутасадди идоралар раҳбарларидан ушбу мақола юзасидан жавоб мактуби кутиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси **Файзуллин Рифкат Шахийязамович**ни вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғофур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2843. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Навбатчи:
С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. БЕКМУРОДОВА
Компьютер операторлари:
М. ЯХНЯЕВА,
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047,
Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18
(умумий бўлим),
133-70-65

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.